

Великий человек

ТОШКЕНТ



Рўзнома 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Ижтимоий-сиёсий шаҳар рўзномаси

№ 222 (7. 911)

1991 йил

19 ноябрь, сешанба

Нархи 8 тийин



● Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессиясида. Р. ЖУМАНИЕЗОВ, Р. НУРИТДИНОВ (ЎзТАГ) олган суратлар.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

18 ноябрь куни Тошкентда ўн иккинчи чакриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг саккизинчи сессияси иш бошлади.

Сессияни Олий Кенгаш раиси Ш. М. Йўлдошев кириш сўзлари билан очди.

Депутатлар сессия котибиятини сайладилар ва сессия кун тартибидан тасдиқладилар. Олий Кенгаш муҳокама сўзга 29 та масала киритилган.

Улар орасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисидаги, Президент сайлови ҳақидаги, Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги, ноиронларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги, мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги, давлатнинг ёшларга доир сийсати асослари тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасининг Давлат тамғаси тўғрисидаги, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги, ҳақамлик суди ва давлат инзоларини ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонуни лойиҳалари ва бошқа масалалар бор.

Давлат байроғи тўғрисидаги қонуни лойиҳаси ҳақида Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитетининг раиси Ш. Қ. Қодиров сўзга чиқди. Муҳокамадан сўнг қонуни қабул қилинди.

Ижтимоий ҳамжиҳат тўғрисидаги шартнома ҳақида, Мусавият Давлатлар Иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ҳақида, Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжон Республикаси, Украина, Беларусь Республикаси билан тузган давлатлараро шартномаларни тасдиқлаш ҳақида, РСФСР билан Ўзбекистон ўртасидаги ижтимоий битим ҳақида Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов маъруза қилди.

Олий Кенгаш давлатлараро шартномаларни тасдиқлади.

Депутатлар Қонунийлик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Х. Халиловнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги ва референдум ҳақидаги қонуларнинг лойиҳалари тўғрисидаги масалалар юзасидан қилган маърузаларини тингладилар.

Модда-модда муҳокама қилингандан сўнг қонуни қабул қилинди. Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини 1991 йил 29 декабрга тайинлади. Шу кунга Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисидаги референдум, шунингдек Тошкент шаҳри ҳокимиятининг сайлови ҳам ўтказилди.

Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Назорат палатасини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган қонуни лойиҳаси ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

«Ўзбекистон Республикасида ноиронларнинг ижтимоий ҳимоялаш ҳақидаги қонуни лойиҳаси тўғрисида» Фахрийлар ва ноиронлар ишлари комитетининг раиси Р. Х. Абдуллаев маъруза қилди. Бу қонуни ҳам қабул этилди.

Депутатлар «Мулкни давлат ихтиёридан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Ижтимоий ислоҳот, бюджет сийсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш комитетининг раиси Э. Н. Хужаев маъруза қилди.

Музокараларда ҳалқ депутатларидан С. Вобомуродов, А. Исаев, Х. М. Мансуров, М. Саидов, Т. Хошимов, А. Юсупов, К. А. Исроилов, Э. Ҳажинов, Х. З. Низомидинов сўзга чиқдилар.

Бугун Олий Кенгаш сессияси ўз ишнинг давом эттирмади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ КЕНГАШИДА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

17 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари бўлган Ўзбекистон Республикаси Халқ депутатларининг йиғилиши бўлиб ўтди, йиғилишда ана шу партиянинг республика Олий Кенгашидаги аъзолари фракцияси тузилди. Халқ депутатлари М. М. Расулов билан А. Ҳ. Фуломмажидов фракциянинг раиси ва ҳамраиси этиб сайландилар. Парламент фракцияси кенгашига Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган депутатлар партия гуруҳлари раҳбарлари кирди. Фракция ўз фаолиятида

Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисидаги референдум ўтказилди.

1. 1991 йил 29 декабрь, яншанба кунга белгиланган.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умумхалқ сайловда голиб чиққан президентликка номзод ўз вазифасини бажаришга киришган кунни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ. Тошкент шаҳри, 1991 йил 18 ноябрь.

бир оила ва ҳар бир кишининг фаровонлигига эришишга қаратилган нақарларига ва Халқ демократик партиясининг Дастурига асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови 1991 йил 29 декабрь, яншанба кунга белгиланган.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умумхалқ сайловда голиб чиққан президентликка номзод ўз вазифасини бажаришга киришган кунни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ. Тошкент шаҳри, 1991 йил 18 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕФЕРЕНДУМИНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. 1991 йил 29 декабрь, яншанба кунга белгиланган.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умумхалқ сайловда голиб чиққан президентликка номзод ўз вазифасини бажаришга киришган кунни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕФЕРЕНДУМИНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. 1991 йил 29 декабрь, яншанба кунга белгиланган.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умумхалқ сайловда голиб чиққан президентликка номзод ўз вазифасини бажаришга киришган кунни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ RESPUBLIKANING ДАВЛАТ ТАЪМИНОТИДАГИ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА МАДАД БЕРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг давлат таъминотидаги аҳолиси моддий ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни таъминлаш мақсадида:

1. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ҳалқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот, фан ва уй-жой коммунал тармоқлар (номоддий ишлаб чиқариш соҳалари) ходимларининг иш ҳақи ўрта ҳисобда 40—50 фоиз оширилсин.

2. Олий ўқув юрталари студентларининг, техникумлар ҳамда Республика ҳуқуқининг қарорларига биноан кийим-кечак ва оғдат билан таъминланмаётган ҳунар-техника билим юрталари талабаларининг стипендиялари 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрта ҳисобда 30 фоиз оширилиб, имтиёзли оғдатлаштиришга қўшимча ҳақ аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

3. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудинда иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг кам миқдори ойига 200 сўм ҳажмида белгилансин. Бунда ишламайдиган пенсионерларга бериладиган ойлик компенсация тўловлари аввалги миқдорда сақлаб қолинсин.

4. 1992 йилнинг 1 январидан бошлаб фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромадларининг энг кам миқдори ойига 200 сўм ҳажмида белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилари, болалар уйлари ва тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, қоқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги 1990 йил 13 ноябрь Фармони 1992 йил 1 январидан бошлаб республика ҳунар-техника таълими системаси ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳам жорий этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазиirlар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида маъмур Фармонини амалга ошириш юзасидан таъминоти чора-тадбирларини назарда тутувчи қарор лойиҳасини тайёрласин ва кўриб чиқиш учун тақдим этсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида амалдаги қонунийликни маъмур Фармонга мувофиқлаштириш ҳақида тақлифлар киритсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1991 йил 16 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕФЕРЕНДУМИНИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. 1991 йил 29 декабрь, яншанба кунга белгиланган.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1990 йил 24 мартда сайлаган Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг ваколатлари умумхалқ сайловда голиб чиққан президентликка номзод ўз вазифасини бажаришга киришган кунни тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Тошкентда «Кичи танасида йод этишмаслиги билан боғлиқ касалликларни тугатиш» мавзусига бағишланган ҳалқро анжуман очилди. Унда АҚШ, Австрали, Швейцария, Хитой, Англия ва бошқа мамлакатлардан келган олимлар ва оғдатлаш соҳасининг мутахассислари, шифокорлар, соғлиқни сақлаш ташкилотчилари иштирок этишмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тупроқшунослик ва деҳқончилик қиёсаси илмнинг экспедицияси Орол бўйи жанубий қисмида олиб борган ишларини низоҳатга этказди.

● Қорақалпоғистон шаҳарларидаги рўзномалар бўйича қорақалпоқ тилида чоп этила бошлаган махсус «Орол қизлари» аёллар ойнасининг биринчи соноти бошланди. Янги ойнасининг муҳарририда фақат аёллар — жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар фаолият кўрсата бошланди.

ИТТИФОҚДА

● Шимолий Кавказ темир йўлидаги ваэнт нормаллашди. Барча юк ва пассажир поездлари жадвал бўйича ҳаракат қилмоқда.

● Украина Қуролли Кучларига қақирув бошланди. Ленин янги қасамда матни ҳозирча йўқ.

● Қирғизистон Республикаси вазирлар маҳкамаси қоний, шаробларнинг нарҳини оширди. Эндиликда бу ичимликлар эркин нарҳларда сотилади.

● Келуси йилнинг 1 январидан бошлаб Беларусь Республикасида муҳим ижтимоий қонулардан бири — ноиронларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонуни кучга кирди.

● Кеча Кремлда мамлакат Президенти Михаил Горбачев Москвага амалий ташир билан келган Қувий амира Жаббер Аль Аҳмад ас-Сабох билан суҳбатлашди.

● Бугун Кремль Сьездлар саройида «Жаҳон бизнеси кунлари» очилди.

● Кеча Москвага Литвадан икки марта Совет Иттифоқи Қазармони, армия генерали И. Чернаховскийни хоки келтирилди. У Литвани фашизмдан озод этиш учун бўлган курашда қурбон бўлган 140 миң совет аскарлардан биридир.

● Кеча Москва мэри департаменти бош директорининг ўринбосари Л. Пияшева матбуот конференцияси ўтказди. Бунда у пойтахтдаги иқтисодий ислоҳот тўғрисида, жумладан хусусийлаштириш ҳақида сўзлаб берди.

ХОРИЖДА

● Литва Республикаси ҳукумати «Ў оқиданги хизмат қуролларини сақлаш ва уни олиб юриш тўғрисида» қарор қабул қилди.

● Россия Президентининг махсус вакили, РСФСР Олий Кенгашининг хориний ишлар билан шуғулланиш бўйича комиссия раиси Владимир Лукин Тоқога келди.

● Кеча Братиславадаги касалхонада Чехо-Словакиянинг собиқ президенти ва коммунистик партиязининг собиқ атакисчи Густав Гусак 78 йишда вафот этди.

● 21 ноябрдан бошлаб Техрон — Москва йўналиши бўйлаб поездларнинг ҳаракати яна тикланадиган бўлди.

● Буюк Британиянинг собиқ бош ваэри Маргарет Тэтчер Фарб раҳбарларига СССР ва Шарқий Европа мамлакатларига ёрдам кўрсатиш даъвати билан муурожаат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг қонуни ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ВА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР НАРХИ ЎЗГАРИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АҲОЛИСИНИНГ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИНИ ИНДЕКСАЦИЯЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонуни истеъмол моллари ва кўрсатилган хизматлар нархи ўзгариши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг пул даромадларини индексациялашнинг кафолатлари энг кам миқдорини, асосий қондалари ва умумий тартибни белгилаб беради.

1-модда. Индексациялаш мақсади

Пул даромадларини индексациялаш истеъмол моллари ва хизматлар нархи жорий тарзда ошиши натижасида аҳолининг пул даромадларини ўз-ўзидан мослаб бериш тартибидан иборатдир.

2-модда. Индексациялаш моқияти

Индексациялаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудинда яшайдиган ҳар бир оиланинг энг кам миқдордаги истеъмол бюджетининг қиймат инфляциясини ўнда муассасам аэувчи истеъмол сийласига кирадиган оғдат оғдат махсулотлари, ноозин оғдат моллар ва хизматлар жамламаси юзасидан давлат савдоси ва кооператив савдода, деҳқон боорларида нарҳлар ўзгаришини статистика кузатуви асосида амалга оширилади.

Истеъмол моллари ва кўрсатилган хизматлар нархи ва тарифларнинг ўзгариши кузатуви, нарҳларнинг ўсиши (индекси) фонининг ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикасининг

қонуни Олий Кенгашидаги аъзолари фракцияси тузилди. Халқ депутатлари М. М. Расулов билан А. Ҳ. Фуломмажидов фракциянинг раиси ва ҳамраиси этиб сайландилар. Парламент фракцияси кенгашига Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган депутатлар партия гуруҳлари раҳбарлари кирди. Фракция ўз фаолиятида

дан ортқча даромадларни индексациялаш касаба уюшмалари билан тузилган шартнома асосида ўз бюджетни, маблаглари, фондларнинг маблаглари ҳисобидан ёки жамоат шартномаларида белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади.

Пенсияларга, стипендияларга ва ижтимоий нафақаларга (бир йўла тўланадиган ёрдам пули бундан мустасно), шунингдек меҳнат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ҳодимга етказилган шикаст ёки унинг соғлиғига бошқа йўсунда етказилган зарарини қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан қоплаш учун берилган пулларга пул билан тўланадиган компенсациялар уларнинг тўла миқдорини истеъмол моллар ва кўрсатилган хизматлар нарҳининг ўсиши (индекси) фонига қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан аниқланади.

Ишлаётган пенсионерларга уларнинг хоҳишига кўра пул билан тўланадиган битта компенсация ёнлиди, унинг ҳисоби пенсияга ёки иш ҳақида қараб чиқарилади.

6-модда. Индексациялаш маблаглари.

Мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар ўз фаолиятини хужалик ҳисоби принциплари асосида амалга оширадиган қорхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда банд бўлган меҳнатқиларга пул билан

ЛОЙИХА

молга сарфланадиган маблагларнинг солиқ солинмайдиган миқдорига киритилади.

Ушбу Қонунда белгилаб қўйилган пул билан тўланадиган компенсацияга даромад солиғи солинмайди.

7-модда. Индексациянинг даврийлиги.

Даромадларни индексациялашнинг даврийлиги истеъмол моллари нарҳларининг ўсиши суръатларига қараб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Кенгаши билан келишган ҳолда белгиланади. Истеъмол молларнинг нархи бир квартал давомида уч фозгача ўсгани тақдирда даромадларни индексациялаш бир йилда бир марта, уч фоздан беш фозгача ўсган тақдирда — ярим йилда бир марта, беш фоздан 10 фозгача ўсган тақдирда ҳар кварталда амалга оширилади. Нарҳлар бундан ҳам юқори суръатлар билан ўсган тақдирда даромадларни индексациялаш ҳар ойда ўтказилсин.

8-модда. Пул билан тўланадиган компенсациялар бериш юзасидан чиққан инзоларни ҳал этиш тартиби.

Индексация юзасидан келиб чиқиб, уларни тўлаш юзасидан бир ой мобайнида ҳал этилмаган инзолари масалалар бир ҳафта муддат ичида юқори ташкилот томонидан кўриб чиқилиши керак. Агар бу ҳолда ҳам масала ҳал этилмаса, у белгиланган тартибда суд идоралари томонидан кўриб чиқилмоғи керак.

Қонуни лойиҳасига доир ўз фикр-мулоҳазаларини ва тақлифларини 1992 йил 15 январгача қўйидаги манзилгоҳга қорбонининг сўрайди: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Иқтисодий ислоҳот, бюджет сийсати ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитаси.

Биродарлашган шаҳарлар дўстлиги

Меҳмонларда қизиқиш уйғотди

КИНОЧИЛАР уйда биродарлашган Марош шаҳридан ташир буюрган делегация аъзоларининг маданий аҳамиятдаги махсулотлар ишлаб чиқариши билан шуғулланадиган қорхоналарнинг раҳбарлари, иқидий уюшмаларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг, умумий оғдатлаш қорхоналарининг вакиллари билан навбатдаги амалий учрашуви бўлиб ўтди. Ушбу учрашувини Тошкент шаҳар Кенгаши иқидий комитети раисининг биринчи ўринбосари Карим Расулов олиб борди.


Суҳбат чоғида Марош делегациясининг аъзолари республика спорт комитети, «Бегим» иқидий бирламаси, бадий буюмлар фабрикаси, «Милконт» заводи фаолиятининг асосий йўналишлари билан танишдилар. Бу ерда ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисидаги тушун аниқ тақлифларни муҳокама аэувчи ишбилармонлар гуруҳи ташкил этилди, бу гуруҳ бундан кейинги биргаликдаги ишларнинг аниқ режаларини тузиш ишлари билан шуғулланади.

Марошликларда шаҳар иқидий комитети савдо бош бошқармаси иш туркуми айвнса қизиқиш уйғотди. Чунки Марош муниципалитетида бундай иш тизими йўқ бўлиб, бу ердаги барча савдо-сотқ ишлари деярли хусусийдир. Меҳмонлар шунингдек ишнинг бошқариш усуллари билан танишиш истегини ҳам иқдор этидилар.

Марошлик меҳмонларга Қизил Ярм Ой жамияти томонидан тайёрланган оғдатли сонгаларни топириш ва топиридан шу совгага жаюв тартибидан бу жамиятга Марош томонидан ҳам совга ҳада этиш пайти ушбу учрашувининг энг ҳажонли лаҳзаларидан бири бўлди.

Ирода МАЛИКОВА.

СУРАТДА: Тошкент билан биродарлашган Марош шаҳридан келган меҳмонлардан бир гуруҳ. Рустам Шарипов сурати.



— Ҳамид ака, Сиз йиллар шамолнинг, яхши ва қайғули кунларининг кўп шохиди бўлгансиз. Туркистон халқларининг қўшни мамлакат халқлари билан хусусан, Туркия билан муносабатлари тарихи ҳақидаги юрагингиздаги гапларни сўзласангиз. Бугун, менимча маърифи келди...

— Аввало бир нарсани айтиб ўтмоқ жоиз: «пантуркизм», «панисломизм» деган тушунчалар нотўғри талқин қилиниб келинди, тескари тушунтирилиб келинди. Аслида бу сўзлар жуда ёрқин, жуда нури, байналмилал ғойларни ифодаловчи калималар ҳисобланади. Чунки бу ташкилотлар халқларни, миллатларни бирлаштиришга хизмат қилади. Бир диндаги, бир тилдаги одамлар бирлаша, ҳамкорлаша, бир-бирига ҳам моддий ҳам маънавий мададкор бўлса бунинг нимаси ёмон? Тоталитар узум, коммунистик маслак диндор, тилдош халқларни бирлаштиришга эмас, ажратиб ташлашга хизмат қилиб келди. Ислоҳ динига мансуб халқлар бир-бирлари билан яқинлашиб, ҳамкорлик қиладиган бўлса уларга «панисломчи» деб таъна босилди. Агар тили яқин, бир-бирини тушунадиган халқлар бир-бирига дўстлик қўлини узатса, уларга «пантуркист» таънаси қўйилди.

— Панисломизмдаги бу таъна лашъталар Рус чоризми Туркистонни зуравонлик билан забот этганидан кейин ҳамда, айниқса, Октябрь тўнтарышдан кейин муҳдўш давлат сиёсатида айлангилди. Бу сиёсат ягона Туркистонни парчалаб ташлаганида ўз ифодасини топди.

— Мен ҳамон болалик йилларимни эслайман. Халқлар қушандаси Сталин Туркистонни бўлиб ташлаганида ҳозирги вақтдага айриқабил тушундирган ҳайратомуз воқеалар ҳам содир бўлди. Чунки Ибносиннинг пойтахти Қўзил юртинда Олмосага, Ўзбекистоннинг пойтахти Тошкентдан Самарқандга кўчирилди. Орадан бир йил ўтгач, Самарқанддан яна Тошкентга кўчирилди. Бу кўч-кўчлар нима мақсадда қилинганини ўша пайтда жабрийдая ҳалқимиз тўла англамаган эди. Бугун бор ҳақиқат юзага чиқиб, асл ният роппа-равшан бўлиб турибди: яхшилик Туркистонни бўлиб ташлаш, туркий халқлар ўртасида низо чиқариш, уларни бир-бирларига қарама-қарши қилиб қўйиш, яқинлигини чалпарчин қилиш!

— Менинг ўтмишга оғина нигоҳ ташлашдан мақсадим шунки, туркий халқлар бошига тушган жоғалардан, алам-изтироблардан наъти назар, улар ҳамини яқин бўлишга, бирлашишга интилиб келганлар. Ингирманчи йилларнинг боши, ўттизинчи йилларнинг охиридаги содир бўлган умуммиллат, умумхалқ қатағони оқибатида юз минглаб, балки миллионлаб туркий халқлар — ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ватанларини тарк этишга мажбур бўлдилар.

Уларнинг кўплари аввал Андижон — Эргаштом йўли орқали Шарқий Туркистонга етиб бордилар, ундан кейин эса Ҳиндистон, Покистон, Афғонистонга ўтидилар. Саудия Арабистонига етиб бордилар. Хуллас, эслайдиган бўлсангиз гап кўп. Бу аччиқ тарих саҳифаларидаги ҳикоялар вақти келиб қороғга тушар, Ингирманчи асрдаги туркий халқлар фожиясини бутун тафсилоти билан алоқалар қолдирармиёз.

— Бевосита Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги дўстлик муносабатлари тарихи, ривожига ҳақиқат кенгроқ тўхталсангиз...

— Сўхбатимизнинг худди сиз айтган жойига етиб қолдик. Юқоридаги гапларимиз Ўзбекистон — Туркия ўртасидаги алоқалар қай даражада эди, ҳозир қай

чилар» деган қора таъна урилди. Оқибат натижада туркий халқларни бирлаштириб турган муҳим восита алифбо ҳам 2 марта ўзгарди: аввал лотин, кейин рус имлосига ўтилди. Энди Туркия ва Ўзбекистон маданияти ва адабий алоқалари ҳақида фикрларимиз баён этсам, Иқтисодий алоқалар ҳақида гапирмасан ҳам бўлади, чунки бундай ишлар Ингирманчи йиллардаёқ бутунай йўқ қилиб ташланди. Лекин маънавий, адабий алоқаларимиз ёрмунча муддат давом этди.

Агар ҳозирги ёшлардан қайси турк адибларини билансиз деб сўрасангиз, албатта Азиз Несин билан Нозим Ҳикматни тилга олади. Чунки бошқалари унчалик бизда машҳур эмас-ди! Ингирманчи йилларда биз ўйнаб турк шоирлари, адибларини билардик. Ғўномалар, ой-

50.000, яна бошқасида 100.000 деб келтирилади. Уларнинг орасида Октябрь тўнтарышдан кейин Туркистонни тарк этганлар жуда оз. Лекин ўттизинчи йилларда келганлар анчагина. Мен Со-бир Сайхон билан учрашдим. Ўзи тожир бўлса ҳам, ватандошларнинг орасида обрўси катта экан. Таги маррилонлик бу хушавозе инсон билан бир неча учрашувлар ташкил этдик. Турклар, ўзбеклар, қозоқлар билан мулоқотда бўлдик. Фақуллода Саудия Арабистонидан ҳам бир қанча савдогарлар келиб қолди. Худди қондош, жондош қардошлардек диллаш сўхбатларимиз бир неча кун давом этди. Улар Туркистонни ўз бобо юртилари деб билар эканлар. Биздаги ҳар бир ўзгариниш, ютуқларини худди ўзиники каби қабул қилар эканлар.

— Мен ҳар бир учрашувда шундай кайфиятнинг, муҳаббатнинг гувоҳи бўлдим. Айтиб ўтай, «Машъал» романининг учинчи китобида турклар ҳақида, азалӣ дўстлигимиз ҳақида ёзганман.

— Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганидан сўнг дўстлик алоқаларимиз ўзгача маъмурият касб этади деб ўйланман...

— Албатта! Биз мустақил давлат сифатида яқинда Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Россия, Беларусь, Украина, Молдова билан иқтисодий-маданий ҳамкорлик тўғрисида шартномалар туздик. Туркия билан ҳам худди шундай шартнома тузишга нур устига нур бўлади.

— Кейинги йилларда бир қатор адибларимиз ҳам Туркияга бориб келдилар. Эркин Воҳидов ўз таассуротлари асосида «Истамбул фожияси» драматини яратди. Жўқин шоиримиз Ҳамол Камол Туркиядаги ўзгарилардан гоёт даражада музаассир бўлганини ўзининг қатор алоқаларида изҳор қилди. Азим Сулеймоннинг Туркия сафари ҳақида ҳал-жонли мақоласи эълон қилинди. Қўни неча Мирзаси Аъзам Туркия сафарида бир лубе йил ҳам бўлиб қаттиганга шўҳ-ҳам йўқ. Худди шундай Шукрулло, Ўттири Хошимовлар ҳам Туркиядаги шарт-шароитларни ўз кўзи билан кўриб қайтди. Хуллас бу каби инсонлар жуда кўп.

— Ўзбек шоирларининг шеърларидан тузилган тўплам турк тилида босилиб чиққанидан кўпчилик хабардор бўлмас экан. Худди шундай, Ҳамол Камолнинг шеърӣ китоби, Мамадали Маҳмуднинг «Ўлмас қоялар» романи ҳам босилган. Бизда энг кўп Азиз Несиннинг ҳикоя ва романилар ўзбекчага ўғрилган. Адабий алоқаларимиз ҳавас қилса бўладиган даражада.

— Истиқболдан умидимиз катта. Айни вақтда ўтмиш алоқаларини ҳам унутмаслик керак. Туркия билан Ўзбекистон ўртасида бошланаётган янги алоқаларда ўтмиш пойдевор бўлиши керак. Сўхбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

Ўзбекистон—Туркия: ҳамкорлик қирралари

БОРСАК-КЕЛСАК ДЎСТ ТОПАМИЗ

Езувчи Ҳамид Ғулум билан сўхбат

даражада, келаяканда қандай бўлиши керак, ушбу дўстликка содиқ бўлсан, муштарак бўлишни хоҳласан нима қилишимиз зарур деган саволларга жавоб излаганман.

— Дастлаб мен ўз кузатувларимдан бир-икки шигил лавҳалар сўзласам, Ўспиринлигини Ингирманчи-ўттизинчи йилларга тўғри келди. Ўша вақтда турклар ҳақида жуда кўп, мароқ билан гапирлар эди Тошкентда. Биринчи наҳон муҳорабаси туғатгач, 1918 йилда урушда Россиядан енгилган туркиялик асирлар Туркистонга келтирилганди. Уларнинг ичидagi саводли қовушлар — ёш офицерлар бизнинг мактабларимизда муаллимлик қилганлар. Ўша пайтда шаҳримизда 16 мактаб бўлиб, уларда туркиялик афандилар дарс беришарди. Бу мактабларда техник фанларга эътибор кучли, ҳатто миллий духовий оркестр ҳам тузилган эди.

— Бизда юқорида айтганимиздек Товфиқ Фикрат жуда машҳур эди. Мен унинг шеърларини Ойбек, Шайхзода, Чўлпон, Зафур Ғулум қанчалар илҳом билан ўқиганларидан айтишгаман. Қатарон йилларда Товфиқ Фикрат миллиячи деб эълон қилинди. Унинг китоблари қерда бўлса, ҳатто хонадонлардан ҳам йиғиштириб олинди. Унинг шеърларини ўқиганлар жазоланди. Хали-хали эсимда, Ҳамид Олимжондек аjoyиб шоир ёзувчилар ушумасдан шу сабаб билан чиқарилган эди. Фақатгина Усмон Юсуфнинг жонбозлигини уни сақлаб қолди. Бу миллий маҳдудлидан ўзга нарса эмас. Маҳдудлигини эса умри ниқса.

— Кейинги йилларда Туркия билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб борапти... Ўзингиз ҳам Туркияга бориб келган экансиз...

— Шукрлар бўлсин, борди-кедиларимиз борган сари яхши тарафга оз бурляпти. Яхши кўшничлик муносабатларимиз фақат яхшилик олиб келди. Бундан бир неча йиллар олдин Туркияга боргандим. Қоҳирадан қайтишда Истамбулга келиб тушдик. У ердаги ватандошлар билан учрашдик. Туркиядаги ўзбеклар бир хил маъмулотда

ҲАЙРАТИМ

Ҳайратини оширар ҳаргиз Танк тушига нималар кирар? Бомба ортан тайёра ёлғиз

Қолса ненинг ҳаёлини сурар? Газиққоблар ойдин чоғларда Ойга боқиб айтарми қўшиқ,

Наҳот-наҳот милтиқларда ҳеч Зарра шафқат деган неъмат йўқ?

ШОШҚИН САТРАП

Қўзим оқдим бир тоғ уйқудан

Инсонлардай қуруқ, қоқинки Жиндаккина меҳри йўқинки?

САТРАП

Қуёш кирди қалбимга овоз

Ва мен қушга айланиб қолдим қанот. Қўларим оқ, бўдлар қанот. Баҳор ели оша энтикиб, Қаранг қанот қоқаним-қоқанг

Яшиллиги ила дил ёққан Атрофимда ажаб гадаиб, Дам япроқдай товламанам шод. Дам парвозга ҳаминча ташна. Қуш бўламан қўларим қанот.

— Жаҳоннинг забардаст адибларидан ҳисобланмиш колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Ошқора қотиллик» кинсаси асарига қотиллик юзи беришини ҳамма илгаридан билади, ҳамма бу кўргўликнинг олдин олмоқчи. Бирок, оқир-оқибатида ҳамма қотилликнинг бевосита иштирофчисига айланиб қолади. Шундан яна бир хулоса чиқадикки, асардаги қотилдан кўра уни томоша қилиб турганлар бешбаатар қотил. Езувчининг ана шу ҳукми сизни ва бизни теварак атрофдаги воқеа-ҳодисаларга фаол аралаштиришга, она юрт келаякан учун доимо қайғуришга чорлайди. Энг муҳими буларнинг барчасига лоқайд томошабин бўлиб қолмаслигини таъкидлай-

«Маънавийлик феъл-атворидида мужаасам бўлган» закий шахслар халқнинг қўйини пуч ёнғочга тўлдурувчилардан кўра зиёд-роқ бўлишган.

— би феодализм жамияти зулмати аро илм ва эъгулик машағулини ёнган. Бир мисол: Тошкентдаги шаҳри азимнинг ён биқинидаги тарихий ёдгорлик Зағнотқа қабри устидаги меъморчилик ансамблини соҳибқирон Амир Темур қурдира бошлаган экан. Айрим манбаларнинг шаҳодати беришча қурилишни унинг невараси Мирзо Улуғбек давом эттир-

— кураша олмаган халқ охири-оқибатда ўзлигини унутиб, таназзулга юз тутаяди. Эсимда, ўзини синфини тугатаётганимизда синфинида олтин нишон олиш учун 7-8 та даъвогар «чиқиқ қолди». Аслида фақат аълога ўқинган ўқувчилар бунчалик кўп эмасди. Катта ҳаётга илк қадам мустақил қадам қўётганимизда иттифоқ кўзбўямачилигининг шохиди бўлди. Ёлғиз айбимиз атрофимиздаги қатталар сингари оғзини талқон солиб олдик.

— Замонлар ўзгаравери. Тоқлору тоқсилар келиб кетавери. Инсонят эса яшайди. Ҳа расм-русумлари, таомиллари ва миллий гурури билан маъжудгина бўлиб қолмай, дунёнинг кенг ҳовлисида келаякан авлодларга мустахкам бино пойдевори учун тамал тошини қўяди халқ. Ҳар танганинг икки томони бўлганидек ҳамма гап мазкур уйи қўра билдиш савъатини муфассал ағаллашди.

— «Миллийлик феъл-атворидида мужаасам бўлган» закий шахслар халқнинг қўйини пуч ёнғочга тўлдурувчилардан кўра зиёд-роқ бўлишган.

— «Миллийлик феъл-атворидида мужаасам бўлган» закий шахслар халқнинг қўйини пуч ёнғочга тўлдурувчилардан кўра зиёд-роқ бўлишган.

— «Миллийлик феъл-атворидида мужаасам бўлган» закий шахслар халқнинг қўйини пуч ёнғочга тўлдурувчилардан кўра зиёд-роқ бўлишган.



— Москва. Вячеслав Зайцевнинг модellar уйда ёш бичувчилар томонидан яратилган модellarнинг кўрғини ўқисанмоқда. Улар орасида айниқса Зайцевнинг кежа ўғли — Егор жидога мансуб, ранг-баранг матолардан тикилган кўйлақлар бежиримлиги билан ажралиб турибди. Шу боим мода ниқибозлари унинг либосларини катта қизиқиш билан кўтиб оlishяпти.

— КУРИЛ ОРОЛЛАРИ ўзининг табияти билан қўчлик эътиборини тортаётгани беиба эмас. Иттифоқимизнинг энг олис нуқтасидаги бу оролга таширф буьрган киши ақлин лол қолди, радиган манзараларнинг гувоҳи бўлиш мумкин.



КИМ БЎЛСАМ ЭКАМ?

ТОШКЕНТ КЕЧКИ МАШИНАСОЗЛИК ТЕХНИКУМИ
1992—93 ўқув йилида
Ўқишга киришга тайёрлайдиган 6 ВА 3 ОЙЛИК ПУЛЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

11-синф ҳажмида маълумотли шахслар, шунингдек, кундузи мактабларнинг 11-синф ўқувчилари қабул қилинадилар.

Машгулотлар малакали ўқитувчилар томонидан рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

ГУРУҲЛАР ТЕХНИКУМИНИНГ ҚУНИДАГИ ЗАВОДЛАР ҚОШИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БАРЧА БЎЛИМЛАРИДА ЖАМЛанаДИ:

«ТАШСЕЛЬМАШ» — Сельмаш кўчаси, 6-уй. Телефон: 39-0-76.

ТРАКТОР ЗАВОДИ — «Ташавтомаш» даҳаси. Телефон: 69-83-97.

«ТЕКСТИЛЬМАШ» — Усмон Носир кўчаси, 57-уй. Телефон: 53-95-76.

МАШГУЛОТЛАР — 1 ДЕКАБРАНД ВА ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛанаДИ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирилиги
22-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

«кенг қамровли тикувчи» ихтисоси бўйича тажрибавий гуруҳга

1992 йил учун қўшимча

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқиш муддати — 1,5 — 2 йил.

Урта мактабни битирган ҳамда тикиш-бичишни яхшилаб ўрганиб олишни истайдиган йигитлар ва қизлар қабул қилинади. Йигитлар Совет Армияси сафарида хизмат қилиб қайтгандан кейингина қабул қилинадилар.

Ўқиш вақтида 80 сўмдан стипендия тўланади. Билим юрти маъмурияти шу гуруҳ битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳуқуқини ўзига сақлаб қолади.

Машгулотлар — 1992 йил 1 февралда бошланади.

ЗАРУР ҲУЖЖАТЛАР: ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, турар жойидан маълумотнома. 086/У шақлдаги тибрий маълумотнома, 3х4 см. катталикидаги 6 та фотосурат.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Кренкель кўчаси, 18-уй («Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси биносининг орқасида).

Транспорт — 9, 18, 21, 24, 26, 47, 57, 60, 72, 81, 92, 115-автобуслар; 2, 3, 16, 23, 25, 28-трамвайлар.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-62-41, 34-01-46.

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-АВМАЦИЯ ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАХИРАГА БЎШАТИЛГАН ЙИГИТЛАРНИ ВА УСМИРЛАРНИ

учини аппаратураининг йиғувчи чилангарлари, механика-йиғув ишлари чилангар, металл ишлов бериучи, токарлик мутахассисликлари бўйича ўқитиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой. Ўқувчиларга ойига 150 сўмдан стипендия берилади.

Яшаш жойига мутож бўлганлар ётоқхона билан таъминланади.

Билим юртини тамомлаганлар Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига йўланма оладилар. Ўқиниш аъло баҳолар билан битирганлар мамлакатимизнинг олий ўқув юртиларида таҳсил оладилар.

Машгулотлар гуруҳларининг тўлишига қараб 1992 йил 1 январдан бошланади.

Билим юртига кириш учун қўйидаги ҳужжатларини топириш керак: директор номига ариза, аттестат, паспорт, 6 донадан 3х4 ва 4х5 см.ли сурат.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, генерал Петров кўчаси, 331-уй (6, 29-трамвайлар; 30, 110, 119, 151, 192-автобусларнинг «Билим юрти» бекати).

ТЕЛЕФОН: 96-58-20.

41-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

қисман ҳужалик ҳисобига ўтиш давридаги янги-ча шариотларда автомобиль ҳайдаш бўйича инструктор сифатида ишлаш учун ўз малакасини оширишни истаган ҳайдовчилар

ТАНЛОВ АСОСИДА ТАКЛИФ ЭТИЛАДИЛАР

Меҳнат ҳақи меҳнат фойлияти ва тоифасига боғлиқ равишда тўланади. Уртача ойлик маоши — 600—800 сўм ва ундан ҳам ошади. Меҳнат таътили — 24—36 иш кунидан иборат. Билим юрти ходимлари пулли хизматлардан имтиёзли равишда фойдаланадилар. Транспорт воситалари ижарага берилиши ҳам мумкин.

Манзилимиз: 700128, Хуршид кўчаси, 83-уй (44, 48, 97-автобуслар; 10-троллейбус; 10, 23, 27-трамвайларнинг «Лабзак» бекати; 10, 56, 85, 88, 89-автобуслар, 24-троллейбуснинг «Марказ-6 мавзеси» бекати).
Телефон: 41-38-22.

М Е Х Р

(Кечинмалар)



Шахримизда кейинги пайтларда спортнинг ҳар хил турлари бўйича Халқаро турнирлар ҳам ўтказилмоқда. Ногиронлар ўртасида футбол бўйича Жаҳон Кубоги, теннис бўйича ҳаваскор спортчилар ўртасида «Тошкент Кубоги» лари шулар жумласидандир. Пойтахтнинг ўзининг гузаллиги ва меҳмондўстлиги билан таширф бўлган меҳмонларни лод қодирмоқда.

... УШБУ қалами қўлга олдиран баҳорнинг янгилини, дархат бағрларининг қўқоқлашуви, курталарининг очилиши, ҳиссиётнинг чуқурлашуви ҳамда қўшлар сайрашининг ёрқинлашуви билан деб билдим.

Тошкен қотиб, қордек музлаб, темирдек занг босиб қолган аёл қалбига илиқ қўёш нури кириб, аста-секин, авайлаб, асраб эрита бошлаганини ўша қалб ҳам ўзи ҳам билмай қолди, шенкили.

Қайси учрашув, қай ҳолат, қайси қарашлару қай бир суҳбат орқали ўтди экан бу қалб меҳри?

Бир нарсани сезамман. Бу меҳр ўзгача меҳр, чунки у нозикларнинг нозиги, бу меҳр ўзгача, чунки у икки-уч. Ун йилларнинг давомида учрамаган, яшириниб ётган меҳр, бу меҳр ўзгача, чунки у икки томондан қўшилиб юксак маънавий озуқа кўзасига ботирилган меҳр, бу меҳр ўзгача, чунки узоқ илтижолаб, жафолар, тўсиқларга учраб дарз кетган ҳиссиётга қайта жон киритган меҳрдир ва...

Бу меҳрин инсонлар орасида «Инсон» бор эканлигини қидириб топиб, ўзига таъинган меҳр деб атадим.

Шунинг учун ҳам унинг ҳарорати кучлироқ, алағаси ранглироқ, шамолди эса майинроқ, кўзга қўринмай гоёибона асирга олди қалбларини. Қалб кўрғонини эса темирдан эмас, гиштдан ҳам эмас, балки кўзга қўринмас 7 қаватли тағриқнинг девонидан кўрганга учуни, ташқарига қадам қўйиш осон бўлмас керак. Бу девон маънавий девон бўлгани учунми, ман-

гуликка, тенгона кучга эгаки, унинг олдида ҳамма оқин, яъни севмиш ҳам, севилмиш ҳам.

Маънавий кўрғон эса севмиш-севилмишларни, уларнинг чуқур маданиятли кечинмаларисиз, ҳиссиётларисиз, кулгиларию кўз ёшларисиз, нигоҳларию соғинчларисиз, висол онларию айрилиш дақиқаларисиз эски сандиққа айланиб қолдиқим, унинг яроқсиз бўлиб қолганидан қўрқаман, унда даҳшатлироқ кечинма йў, назаримда. Бу меҳр узоқ ларваридда бўлгани учунми, узи мўъжиза ўхшатиш келди.

Сабр-тоқатли битмас-туганмас аёлгина бунга бардош бера ола керак, дейман. Шу ўрнида буйвнинг болалигимдан ўн тўрт ёшимгача қайта-қайта ел олдиран сузлари эсимга тушди. Буйвоним икки нарсани ҳар тонг ва тунда сузлар эдилар:

— Нимани нон каби авайлаш керак?

— Қалбни, — дер эдим.

— Нимани унутмаслик керак, яхши одам бўлиш учун?

— Сабр-тоқат қилишни, бардошни, — дер эдим. Буйвм эса кўйиб қўяр эдилар:

— Сабрининг таги олти, сабр қилсанг гўрадан ҳалво битар.

Ушанда тушунмай ёд олган ушбу сатрлар ҳаёлимни буркак олди шу кунларда. Ажаб эмас, олтин хазина шу маънавий дўстлиги илларининг улашиши, бошлангани бўлса... Умринг боқий бўлсин дегим келди меҳрга.

Дил ўз танангагина эмас, ўзга тананинг руҳига, унинг муносабатида боғлиқ экан. Ажабо!

Шу кунларда ўша азиз ва мўътабар қалбда, дилда яшириниб ётган ҳис-туйғулар руҳининг иссиқ нурларида тобиани ўзини борлигини сезгандай. Сиз айтганингиздек «Инсон» та айлангани билан тургандай бўлади. Шунинг учун бўлса керак, севилмиш аёл қадам қалбга қўлоқ солиб, унинг буйвнинг бағрисига, дилди торган қадими босиб келаяти. Афсуски, ҳолатлар, ташқи тўсиқлар денгизда кўп қайғалиб оғир кечинмаларни, ҳиссиётни кўтара олмаётгани боғлиқ қолгати. Агар шундай даромд этса, бетоб бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Қон босимининг ҳоҳ паст, ҳоҳ эса юқори бўлиб қайғалишларини синовга ўхшатиш келди.

Шунинг учун бўлса керак, мана йигирма кундирки, тешбанамо ҳаёт гулшанида қезипти. Бир хонадан яна қолди ҳалло ардоқли

руҳининг расмини чизишлари, у ёқтирган барча нарсаларни қидиришлари ва эъзолашлари, тунлари бедор бўлиб сиз қўнига даъват этишлари, овозини эшитиб янги суюқли, биринчи бор қалбига оташ алағасини ёққан, сиз орқали эшитган «лаббай» сўзини икки-уч марта бутун бир тағнаси билан эшитиб (ёш бола сутни ичиб уйқуга кетгандай) тинчланиб ўша ҳислар билан ором олиши гувоҳ бўлса хато бўлмас.

«ЛАББАЙ» сўзи юрак торини шундай бир нозиклик билан, осойишталик билан чертадики, у чертган томирларга меҳр, севги (ҳурмат) ва гузаллик нурини бергандек бўлади.

Бу нур висол дамларига қалар танада оқаверади, оқаверади, токи эритиб юбормагунча, токи ўз девонидан шойи кўрпачага авайлаб ўтказмагунча, токи ширин суҳбатларию шарбатли чойларига таширф қилмагунча, токи кўзлар кўзларга тушиб, қоракдан эндигина кўкариб келаятган «Меҳр дарахти»нинг белгиларини тебратмагунча.

Баъзан шундай ҳолат бўладики, севилмиш аёл арқангисига келганиданми, кимдир қидираётганини, кимдир кераклигини билдирганини келганиданми «Хозирги кўнгириқ менга бўлса керак» дея телефонга сездирмаган ҳолда, беҳитиёр келиб, «рубани кўтаради. Бошқа овоз «Алло, бу... ми?» саволини эшитгани, хафа бўлиб кетади. Ташқи кўринишдан билдирмасанда, ич-ичидан хўрсингиси келди. Гапни тугатиб яна ўша азиз киши-

сини сиз орқали кўрсайдил, сиз қондади. «Лаббай»ни эшитиб тинчланади.

Ана шундай ҳаёт таранга дил буйруғи билан кириб келганига йигирма кўндан охибдию, аммо халқ ҳам кўнгли неғадир гаш, нимани эшитган «лаббай» сўзини икки-уч марта бутун бир тағнаси билан эшитиб (ёш бола сутни ичиб уйқуга кетгандай) тинчланиб ўша ҳислар билан ором олиши гувоҳ бўлса хато бўлмас.

«ЛАББАЙ» сўзи юрак торини шундай бир нозиклик билан, осойишталик билан чертадики, у чертган томирларга меҳр, севги (ҳурмат) ва гузаллик нурини бергандек бўлади.

Бу нур висол дамларига қалар танада оқаверади, оқаверади, токи эритиб юбормагунча, токи ўз девонидан шойи кўрпачага авайлаб ўтказмагунча, токи ширин суҳбатларию шарбатли чойларига таширф қилмагунча, токи кўзлар кўзларга тушиб, қоракдан эндигина кўкариб келаятган «Меҳр дарахти»нинг белгиларини тебратмагунча.

Баъзан шундай ҳолат бўладики, севилмиш аёл арқангисига келганиданми, кимдир қидираётганини, кимдир кераклигини билдирганини келганиданми «Хозирги кўнгириқ менга бўлса керак» дея телефонга сездирмаган ҳолда, беҳитиёр келиб, «рубани кўтаради. Бошқа овоз «Алло, бу... ми?» саволини эшитгани, хафа бўлиб кетади. Ташқи кўринишдан билдирмасанда, ич-ичидан хўрсингиси келди. Гапни тугатиб яна ўша азиз киши-

Қундузхон ҚОДИРОВА.
Муҳаррир ўринбосари
С. Б. ЕКУБОВ.

ТИЖОРAT ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

20 НОЯБРЬ СОАТ 10.00 ДА
«АСБОБЛАР ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ» САЛОНИ БИНОСИДА
ОРЕЛ ШАҲРИДАГИ «НАУЧПРИБОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН
«Илмий тадқиқотлар учун асбоб (масс-спектрометрлар, суюқлик хроматографлари, рентген таҳлили учун асбоблар» мавзусида
СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛАДИ
ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
Ҳар хил Япония ва Хитой микрокалькуляторлари: CM-500 — 1400 сўм, SL — 300, LWE — 600 сўм, SDC — 836-900 сўм, SC-218 — 180 сўм, телефон учун Япония иссиқлик қозони — 280 сўм, асбоб интерфейси I.E.E.E-488 — 1680 сўм.
Телефонлар: 78-02-38, 78-02-49.
Манзилгоҳимиз: 700096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 2-уй, 29, 70, 77-автобуслар; 4, 9-грамвалларнинг «Оқтепа» бекати.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ҲАҚИТИШ ВА ҚАСБГА ЙУНАЛТИРИШ МАРКАЗИ ВА «КИТОБ» ТОШКЕНТ НОШИРЛИК-МАТБАА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
Мусаххиллар, қўлда ҳарф терувчилар, сатр қўйиш машиналарида ишловчилар, офсет ва юқори босмада ишловчи матбаа мутахассисларини, фотонабор операторларини, монтажчилар, муқовасозлар, қирқин машиналарининг ишчилари (қирқувчилар), матбаа ускуналарини соловчилар, электрон ускуналарини соловчилар, электрчилар, қўриқчи мутахассислигига эга бўлган ишчиларни, ёрдамчи ишчиларни
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
мутахассисликка эга бўлмаган ўсмир ва қизлар бизнинг корхонамизда матбаа мутахассисликларидан бирини эгаллашлари мумкин. Ҳақи пайтида 160—180 сўм маош тўланади (товон пули ҳам шунга қиради), овқатланиш учун ҳам товон пули берилади.
Иш ҳақи — 200 сўмдан 500 сўмгача, ишбай-мукофотли ва вақтбай мукофотли.
— Иш — икки сменали, ишчилар хизмат жойига корхона транспорт билан борадилар.
ҚУИДАГИ МАНЗИЛГА МУРОЖААТ ҚИЛИН-СИН: Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-уй. 8-автопарк ва болалар шифохонаси олдига ёки Юнусобод даҳаси, 2-мавзе, 8-уй — Киров райони меҳнат биржаси.
ТЕЛЕФОН: 24-79-98 (67, 83-АВТОБУСЛАРДА БОРИЛАДИ).

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОИИДА
1991 йил 25 НОЯБРЬ СОАТ 18.00 ДА
ЖУМҲУРИЯТДА БИРИНЧИ МАРТА
Ўзбекистон ногиронлар жамаиатини таништириш муносабати билан
ХАЙРИЯ КЕЧАСИ ҲАҚИДА
Кечада жумҳурият ногиронларининг муаммолари, ҳаёти, жамиятининг вазифалари ва тараққийнинг асосий йўналишлари еритилди.
Хайриянинг севимли, хизмат кўрсатган санъат юлдузлари ва сўз усталари иштирокнда
КАТТА КОНЦЕРТ
Читалар Халқлар Дустлиги саройи кассасида соат 11.00 дан соатилади.
Маълумотлар учун телефонлар: 45-92-11, 41-74-59, 67-35-80.
Хайрия жамғармалари учун Ўзбекистон ногиронлар жамаиатининг ҳисоб счёти: № 609632 Ўзбекистон Республикасининг Давлат банки, юди 172682403.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири
«ЎЗБЕКИСТОН ЮЛДУЗЛАРИ» маркази
«ЮБИЛЕЙ» СПОРТ САРОИИДА
23, 24 ноябрь соат 15.00 ва 18.00 да
«ТЕМУРЛАНГ» РЕП-РЕГИ БЛЮЗ
Янги 4-альбому
қуйдаги таркибдаги
«БОЛАЛАР»
ДИСК ШОУ ПОП-ГУРУХИНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ
Тоҳир СОДИҚОВ соло вокал
Баҳодир ПУЛАТОВ соло гитара
ТОИР ОДИЛОВ бас гитара
Рустам ЗОХИДОВ зарбали асбоблар
ҲУСАН СОДИҚОВ клавишлар
Гуруҳ режиссёри — ШАРАФ ДАМИНОВ
Будий раҳбар — Хусан СОДИҚОВ.
Читалар «Юбилей» спорт саройи кассаларида ва метронинг «Пахтакор», «Октябрь инқилоби», «М. Горький» бекатларида сотилади.
Телефонлар: 45-85-68, 46-03-12, 46-70-31.

АЭРОФЛОТ
ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЯТАХТИНИШ МЕҲМОНЛАРИ!
ПАРВОЗГА ШАМЛАНАР ЭКАНСИЗ, ҲАҚИЯТИ БИЛАН БИРГА ҚИШЛОҚ ҲУЖАЛИК МАХСУЛОТЛАРИНИ ХАМ ШУ МЭЪБЕРГА ҚўШИВ ҲИСОБЛАГАНДА ФАҚАТ 20 КГ. ЧАМАСИДАГИ ЮК (бағам)НИ ОЛИВ БОРИШИНГИЗ МУМКИН. ХОЛОС.
Истиқно тариқасида Ўзбекистондан бошқа давлатларга ёки жумҳуриятларга доимий яшаш учун кўчиб кетган шахслар учун оғирлиги 40 кгдан ортиқ бўлмаган юкни олиб чиқишга рухсат этилган.
Аэропортда қўнгилсизликлар рўй бермаслиги учун билет сотиб олаётганингизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 1990 йил 16 апрелдаги 177-сонли Ҳарор билан Республикадан олиб чиқиб кетиш чекланган ёки тақиқланган моллар рўйхати билан танишиб чиқишингизни маслаҳат берамиз.
ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ БОШҚАРМАСИ ҲАВО ЙўЛЛАРИ МАРКАЗИ АГЕНТЛИГИНИНГ РЕКЛАМА БЮРОСИ.

Тошкент мотор заводи
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
ИТАЛИЯ ВА ГЕРМАНИЯ ФИРМАЛАРИНИНГ МАХСУЛОТЛАРИ БЎЛГАН ДВИГАТЕЛНИ ПИШИШ АВТОМАТ ЛИНИЯЛАРИДА ИШЛАШ УЧУН ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРИ;
— цех ва конструкторлик бюроларининг бошлиқлари;
— барча тоифадаги муҳандис — конструкторлар ва технологлар, механиклар, энергетиклар, электрончилар, омиқлор усталар;
— рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг илчи-операторлари, автоматик линиялар ва агрегат дастгоҳларининг оператор-созловчилари, рақамли дастур билан бошқариладиган электрон системали дастгоҳлар, назорат ўлчоқ асбоблари ва автоматика чилангари, чилангар-таъмирловчилар.
Завод керакли пайтда ушбу мутахассисларнинг шартнома асосида малакасини ошириши ва ўқитиши таъмин қилади. Ҳақи заводда ёки «НАМАЗ», «ВАЗ», «ГАЗ» ва бошқа қардош корхоналарда ўтказилади.
Ҳақи муддати — 2 ойгача. Ҳақи даврида ўртача ойлик иш ҳақи сақланиб қолади, сафар йўлланмаси чиқимлари тўланади.
Халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқариш кенгайгани муносабати билан завод қуйдаги қисмларга тезда ишга қабул қилади:
— токарлар, йўнувчилар, штампловчилар, газ электр-пайвандчилар, чилангар-асбобсозлар, токарлик автоматларини соловчилар, механика йўву ишлари чилангарлари, чилангар-таъмирловчилар, силлиқовчилар, аритувчи-муовчилар, техник назорат бўлими назоратчилари, ўрочи-контсерваторлар, бўғичилар, «Е», «Д» тоифали ҳайдовчилар, автокранчилар ва бошқалар.
Мутахассисликка эга бўлмаганлар завод ёки автомобиль қишлоқ ҳўжалиги машиналари вазириятининг Минск, Владимир ва бошқа шаҳарларда қардош корхоналарида 2 ойдан 6 ой муддатга ўқиб ўрганишлари мумкин. Иш ҳақи — 400 сўмдан 1000 сўмгача.
5 йил ичда уй-йой билан таъминланадилар, хусусий уй-йой кўриш учун ер участкалари акратилади. Ёлдилар учун ётоқхона бор.
Заводга (Тошкент шаҳрида) 30, 110, 12-автобуслар; 192-маршрут тақис билан бориш мумкин. «Тошкент мотор заводи» бекати, «Вахт» кўли яқинида.
Кадрлар бўлимининг телефони — 98-47-77.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИНИНГ КОНЦЕРТ-ГАСТРОЛЬ БИРЛАШМАСИ
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ХАЛҚЛАР ДУСТЛИГИ САРОИИДА
29 НОЯБРЬ СОАТ 19.00, 30 НОЯБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00, 1 ДЕКАБРЬ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА
ЯНГИ ПРОГРАММА
«0-Б»
(ОБИД — БОТИР)
ТВ КўРСАДАДИ
ТОМОШАДА ҚАТНАШАДИЛАР:
Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДХУЖАЕВ, Соҳиб МАМАСОЛИЕВ ва бошқалар.
Читалар соат 11.00 дан соатилади.
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДУСТИҚИНИНГ МАДАНИЯТ САРОИИ
БОЛАЛАРНИ
Чин ва Дейнинг саргузаштлари ҳам намоиш этиладиган
ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИГА
ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
АРЧА САРГУЗАШТЛАРИДА ҚОРВОБО, ҚОРҚИЗ, ГАРОВИЙ ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ, УОЛТ ДИСНЕЙ МУДЪФИЛЪМЛАРИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.
Шунингдек, арчада болаларни ширин конфетлардан иборат совғалар кутади.
Арча томошалари 1991 йил 28 декабрдан 1992 йил 10 январгача соат 10, 12, 14, 16 да ўтказилади.
Читалар ташиқлотлар, муассасалар, ширкатларга пул ўтказиш йўли билан, шунингдек, хоҳловчиларга нақд пулга сотилади.
Маълумотлар олиш учун қуйдаги манзилга муурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДўнинг Маданият саройи, 27-хона. Мулоқот телефони: 46-39-55.
Транспорт — 28, 34, 87-автобуслар, 4, 8, 29-троллей-бусларнинг «Беруний» метро станцияси» бекати; 12, 45-маршрут таксиси.

Москва — «ЭРАМИЗДАН МИЛЛИОН ЙИЛ ИЛГАРИ» (тоқ соатларда, 20.40).
Фуркат — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (тоқ соатларда, 20.45).
20 НОЯБРЬ
Алишер Навоий номи Санъат саройида — «КА-СОС УТИ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00, ўзбек тилида).
«МЕНГА ИШОН, СЕВГИМ!» (10.00, 13.00, 16.00, 19.00 кичик зал).
Тошкент — «ОКЕАН» (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00).
Ешлик — «КАТАЛА» (жуфт соатларда).
Дўстлик — «КАТАЛА» (ҳар соатда).
Лисуюв номи — «НЬЮ-ИОРК, ЭРТА СОАТ 4.00» (жуфт соатларда).
Москва — «ЭРАМИЗДАН МИЛЛИОН ЙИЛ ИЛГАРИ» (тоқ соатларда, 20.40).
Фуркат — «ЧЕКИНМА, ТАСЛИМ БЎЛМА!» (тоқ соатларда, 20.45).
АВРОР ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА
19/ХИ да — Паранки сирлари (18.30), 20/ХИ да — Гузаллар ва миршаблар (18.30), 21/ХИ да — Қонқон (18.30), 23/ХИ да — Алдагани хотин яхши (18.30), 24/ХИ да — Кулги ва кўшиқ кечаси (18.30).
Тошкент шаҳар Киров районидаги 21-ўрта мактаб томонидан Зокиров Мараман Машарипович номига берилган 351776 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТўғрисидаГИ ГУВОНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
«ЎЗАВТОТРАНСТЕХНИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА
ШОШЛИНЧ СУРАТДА
БОШ ҲИСОВЧИ (ойлиги — намяда 600 сўм) ва
БОШ ҲИСОВЧИ ЎРИНБОСАРИ
КЕРАК.
Маълумотлар олиш учун қуйдаги манзилга муурожаат қилинсин: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ПЕДАГОГИКА КўЧАСИ, 16-уй.
Телефонлар: 55-93-35, 55-99-08.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон Кўрлар жамиятининг
ТОШКЕНТ УҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ
технологик ускуналар — 3 устуни ва ВЛ-40 қўл исқанжаларида шунингдек 63, 250 ва 500 гр. термопласт-анкаларида
бюртмачиларнинг хом ашёсидан қўйма пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш юзасидан
1991—92 ЙИЛЛАР УЧУН
БЮРТМА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
Талабномалар 1991 йил 15 декабргача қуйдаги манзилда қабул қилинади: 700054, Тошкент шаҳри, Волгоград кўчаси, 28-а» уй.
Телефонлар: 78-78-75, 75-17-75.
БАРЧА ХОҲЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
ФАН ВА ТЕХНИКА УНИ
ҚУИДАГИ КУРСЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ ВА ҲАҚИДА
хусусий ЭҲМларда ишлаш бўйича мутахассислар тайерлаш.
Умумий курс учун — 250 сўм ҳақ тўланади.
Дастур — 50 соатдан иборат.
Хусусий ЭҲМларда ишлаш ҳамда П+ГОХВА Е туридаги СУД асосида берилган маълумотлар базасини бошқаришни ўргатиш бўйича мутахассисларни тайерлаш.
Ҳақи учун — 500 сўм ҳақ тўланади. Дастур — 110 соатдан иборат.
Маълумотлар олиш учун телефон: 33-28-18.

Тошкент оқшоми
ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси
МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Шанбе ва яшнбадан таъшир ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.
ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 33-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.
Эълонлар ва тижорат хабарларини Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернин эълонлар бўлими тайерлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42.
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернин, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.

19 НОЯБРЬ
Алишер Навоий номидаги Санъат саройида — «КА-СОС УТИ» (17.00, 20.00, ўзбек тилида).
«МЕНГА ИШОН, СЕВГИМ!» (19.00, кичик зал).
Тошкент — «ОКЕАН» (18.30, 21.00).
Ешлик — «КАТАЛА» (жуфт соатларда).
Дўстлик — «КАТАЛА» (ҳар соатда).
Лисуюв номи — «НЬЮ-ИОРК, ЭРТА СОАТ 4.00» (жуфт соатларда).

Тошкент оқшоми
ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
МУАССИСЛАР:
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси
МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Шанбе ва яшнбадан таъшир ҳар кунни ўзбек тилида чиқади.
ТЕЛЕФОНЛАР:
қабулхона — 32-53-76, хатлар — 33-29-70, 33-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.
Эълонлар ва тижорат хабарларини Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернин эълонлар бўлими тайерлаган. Маълумотлар ва эътирозлар учун телефон: 33-81-42.
Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернин, 700000, ГСП, Тошкент, «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.